

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 19-dekabr, payshanba

№ 50 (9318)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2024 йил 18 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўзини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идора-ларнинг вакиллари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий соҳа хизматлари сифатини янада ошириш, "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган. Унга кўра 2025 йилда иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда инфляция даражаси 7 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, қонунда ўрта муддатда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан оширмалик вазифасидан келиб чиқиб, 2025 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 431,0 триллион сўм, харажатлар эса 480,5 триллион сўм миқдоридан шакллантирилган.

Давлат бюджети даромадлари 308,5 триллион сўмни, харажатлари эса 344,8 триллион сўмни ташкил этмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатлари (бюджетларро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) тегишинча 66,4 триллион сўм

ва 62,8 триллион сўм миқдоридан режалаштирилмоқда.

Қонунда кейинги йилда ҳам харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинган бўлиб, Давлат бюджети харажатларининг 52 фоизи ёки 177,7 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Сенаторлар қонунни муҳофаза қилиш жараёнида бюджет даромадларини оширишга, бюджет маблағларини мақсадли сарфлашга алоҳида эътибор қаратди ва ўз фикрларини билдирди.

Қонунда 2025 йил учун Давлат бюджети харажатларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 3,6 триллион сўм кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш соҳасига эса 41,3 триллион сўмни ёки 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 19,8 фоизга ошган ҳолда ажратиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида 2025 йилда ҳудудлардаги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда давлат аҳамиятига молик тадбирларни амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирлар учун ҳам маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида қонунда бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, мамлакатимизда аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, табиатни асрашни рағбатлантириш масалаларига эътибор қаратилганини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ – “ЭНГ НАМУНАЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРА” ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Яқинда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкил этилган “Энг намунали вазирлик ва идора” ҳамда “Энг намунали туман ва шаҳар” танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимиздаги турли давлат ҳамда нодавлат ташкилотларида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, меҳнат жамоаси орасида ватанга муҳаббат, ўзаро ҳурмат каби чин инсоний фазилатларни шакллантириш борасида қонунли ишлар амалга

оширилмоқда. Ўтказилаётган танлов ҳам мазкур чора-тадбирларнинг амалдаги ифодаси десак, асло муболағ бўлмайди. Мазкур танловнинг якуний натижаларига кўра, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фахрли 1-ўрини эгаллади ҳамда Президент совғаси сифатида “Дамас” автомобили билан тақдирланди.

Бундан ташқари муносиб ўрин олган вазирлик ва идора ҳамда туман-шаҳарга Президент совғаси сифатида: 2-ўринга 40 миллион сўм пул, 3-ўринга 25 миллион сўм пул мукофоти топшириди. 4 ва 5-ўрин совриндорларига эса 10 миллион сўмлик китоблар тўплами тақдим этилди.

Ўз муҳбиримиз

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI



“Қорақалпоғистоннинг таназзулга учраган ҳудудларида барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси Energy Globe Award 2024 нуфузли мукофотининг миллий ғолиби деб топилди.

Бу муваффақият Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Халқаро инновация маркази (IICAS) ва Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти (KARI) каби бир қатор ташкилотларнинг самарали ҳамкорлиги туфайли амалга ошди. Айниқса, Халқаро шўрланган ерларда биоқишлоқ хўжалиги маркази (ICBA)нинг етакчилиги, техник экспертизаси ва ўз

ишига садоқати алоҳида эътирофга лойиқ.

Ушбу лойиҳанинг мақсади Орол денгизи экологик инқирозининг оқибатларини юмшатиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш мақсадида Қорақалпоғистоннинг мураккаб ҳудудлари учун барқарор, иқлимга чидамли ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш ва жорий этишдан иборат.

Абу-Дабби тараққиёт жамғармаси (ADFD) кўмағида амалга

оширилаётган бу лойиҳа халқаро самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Бу ютуқ ер таназзули муаммоларини ва барқарор ривожланишни ҳал қилишда кўшма ёндашув муҳимлигини таъкидлайди.

Ушбу лойиҳа жаҳон миқёсида намуна бўлиб, бошқа мамлакатларни ҳам шу каби ташаббусларни амалга оширишга илҳомлантиради.

Довуд АБИДУЛЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ЛОЙИҲА НУФУЗЛИ МУКОФОТНИНГ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

Аграр соҳага эътибор ФАРОВОНЛИККА БЎЛГАН ЭЪТИБОРДИР

Давлатимиз раҳбари раислигида маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича қилинган ишлар сарҳисоби ва жорий йил учун устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳага оид қатор амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилган ишлар муҳокама қилинди.



Айниқса, камбағалликни қисқартириш масаласида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр соҳага замонавий ёндашувларни жалб қилиш орқали, ерга бўлган муносибатни тубдан ўзгартириш, томорқадан самарали фойдаланиб, обод қилишни одатга айлантириш лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун эса, ерга бўлган муносибатни тубдан ўзгартириш, экин майдонларидан оқилона фойдаланиш жоиз. Биламизки, аҳоли кўпайиб бориши баробарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ҳам ортин бораверади. Томорқадан оқилона фойдаланиши билан бирга қишлоқ ҳудудларида, айниқса, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чорвачилик, асаларичик, балиқчилик ва кўеңчилик бўйича кооперацияларни кўпайтириш муҳимдир. Бунинг учун 500 млрд. сўм йўналтирилиши белгиланди.

Шунингдек, видеоселектор йиғилишида аграр соҳани ривожлантириш орқали ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида ёндашув жорий қилиниши ҳам таъкидланди. Бунинг учун эса, республикамизда фаолият юритаётган банклар томонидан қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, хориждан малакали агроном, зоотехник, технолог, муҳандис олиб келишга ва лойиҳалар самарасини оширишга ёрдамлашиш муҳимлиги таъкидланди. Банклар иштирокида 13 та туманда саноатлашган плантация ташкил қилиш бошланди. Бу ерларда “етиштириш – қайта ишлаш – сотиш” занжири асосида юқори қўшилган қиймат яратилмоқда. Масалан, Самарқанд вилояти Жомбой туманида, 15 гектар ерда малина етиштирилади. Тадбиркор 170 та хонадонга кўчат тарқатиб, йилга 200 тонна маҳсулот олади. Энди тадбиркор Миллий банк кўмағида 200 тонна музлаткич ўрнатиб, йилга 25 тонна тайёр мурabbo ишлаб чиқармоқчи. Бунинг натижасида эса аҳоли ва тадбиркорнинг даромади 2 қарра ошади. Ушбу тажриба асосида келгуси йилда яна 50 та туманда шундай лойиҳа ташкил этиш имконлиги таъкидланди. Келгусида 60 та илгор шаҳар-тумани ишсизлик ва камбағалликдан ҳоли ҳудудларга айлантириш чоралари ҳам муҳокама этилди. Ушбу 60 та туманда келгуси йилда 2 млн. аҳолини банд қилиш, 417 минг оилани камбағалликдан олиб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Маҳаллалар даражасида ҳокимлар банклар билан ҳамкорликда ишлаши зарурлиги қайд этилди. Туманларда маҳалла банклар фаолияти йўлга қўйилади. Улар томонидан маҳалланинг бизнес имкониятлари ўрганилиб, қизикқан соҳаси ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг гоёларини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолининг кредит олиш, тўлаш қонун-қоидалари, бизнес юритиш тартиби ва ҳуқуқий асослари бўйича билимлари ошириб борилади. Дарҳақиқат, бугунги кун кечаги кун эмас. Бутун дунё иқлими ўзгариб бораётган мураккаб шароитда мамлакатимизнинг 37 миллиондан ортиқ аҳолисининг дастурхонини тўқин қилиш учун барчамиз бирдек масъулмиз. Айниқса, биз, депутатлар олдидаги вазифаларимиздан бири, бу борада аҳолимизнинг соҳага бўлган қизиқишларини ҳамда уларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилувчи янги ташаббусларни илгари суриш, шунингдек, мавжуд қонунчилик тарғиботини олиб боришдан иборатдир. Зеро, тадбиркору деҳқонларимизнинг меҳнати, ўткир зеҳни ва илмга асосланиб иш олиб боришлари натижасида халқимизнинг фаровонлиги, аҳолимизнинг бандлиги ва мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти таъминланади.

Муқаддасхон АХМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Қонунчилик палатаси депутати.

Янги Наманган туманида ташкил этилган “2-халқаро зотдор чорва ҳайвонлари ва паррандалар кўрғазмаси” да жами 500 бош зотдор чорва ҳайвонлари ва 200 бошдан зиёд паррандалар кўрғазмага қўйилди.



Наманганда “2-ХАЛҚАРО ЗОТДОР ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР КЎРҒАЗМАСИ” БЎЛИБ ЎТДИ



Мазкур кўрғазмада 20 минг нафардан зиёд маҳаллий, 300 нафардан ортиқ хорижий меҳмонлар ташрифи кузатиildi. Тадбир сўнггида ҳакамлар томонидан ғолиблар аниқланиб, 3 та йўналишда умумий ҳисобда 45 нафар иштирокчи вилоят ҳокимлигининг турли совғалари билан тақдирландилар.

Равшанбек
МИРЗОАЛИМОВ,
“Qishloq hayoti”
муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Муҳокама якунида мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра ялпи мажлис давомида “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Қонун билан 2025 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, шу жумладан, амалдаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида бизнес юритишни енгиллаштириш юзасидан белгилаб берилган вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

2025 йил учун белгиланган солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари қўшилган қиймат солиғи 12 фоиз, фойда солигининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи 0,95 фоиз, қишлоқ хўжалиги ерларини сугориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 1 куб метрга 100 сўм, ижтимоий солиқ 12 фоиз (бюджет ташкилотлари – 25 фоиз), айланмадан олинган солиқ 4 фоиз миқдоридан ўзгартирилди.

Қонун қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитларни яратишга имкон берадиган солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича тегишли ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиниши таъминланади.

Қайд этилганидек, солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкаларини ўзгартириш саклаб қолган ҳолда аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилишни рағбатлантириш йўналишлари назарда тутилмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлар учун солиқ юқини камайитиш орқали қўлай бизнес муҳитини яратиш мақсадида мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи бекор қилинмоқда ҳамда барча нашриёт ва мағбаа корхоналари 2025 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод этилмоқда.

Қонунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий бюджетга оид ваколатлари кенгайтирилган. Уларга туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиши даражасидан келиб чиқиб, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкасини энг кам ва энг юқори ставкалар (диапазонда) доирасида белгилаш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳамда нурда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига оширувчи ва камайитирувчи коэффициентлар қўллаш ваколатлари берилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида қонунда бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқ сиёсатини белгилашда соғлом турмуш тарзини яхшилаш ва табиғатни асрашни рағбатлантириш масалаларига эътибор



қаратилганини таъкидлади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама этилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашни таъминлаш мақсадида таълим соҳасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқ, ҳатто чекка-чекка хуудларда ҳам ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш борасида қўллаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда хуудлардаги долзарб ижтимоий муаммоларни, маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда давлат аҳамиятига молик тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг солиқ, божхона ва бюджет қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг талаблари билан уйғунлаштириш юзасидан қатор чоралар кўриляпти.

Қонунда тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларининг устав капиталини ошириш учун 2,5 триллион сўм, маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишга 1,3 триллион сўм, таълим кредитига бўлган

талабнинг юқорилиги ҳамда ўтган йилда юзага келган қарздорликни қоплаш учун Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига 840,5 миллиард сўм қўшимча равишда ажратиш белгиланган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва давлат аҳамиятидаги тадбирларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасига 524,8 миллиард сўм, Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиш кўзда тутилган. Қонунда бир-бирини тақрорловчи шартлар бирикклири қисқартirilгани ҳисобига бюджет маблағлари тежаллаётгани ҳамда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга режалаштирилган маблағлар ҳамда жорий йил бюджет харажатларини ўзлаштириш имкониятларидан келиб чиқиб, айрим харажатлар мақбуллаштирилмоқда. Қонунда республика бюджети харажатлари қарийб 10 триллион сўмга оширилмоқда.

Сенаторлар 2024 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга киритилган барча ўзгартиришлар республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсади, самарали ҳамда натижага йўналтирилган ҳолда сарфлашига, долзарб муаммоларнинг ечимини топишига ва уларни маблағ билан таъминлашга қаратилганлигининг муҳимлигини таъкидлаб, ушбу қонунни маъқуллади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати

Ўзбекистон – Россия:

Янги иш ўринлари яратилади

Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Мехмонни Бухоро вилоят ҳокими Ботир Зарипов ва бошқа мутасаддилар кутиб олди.

Мехмонлар “Бухоро саноат ривожлантириш мажмуаси” махсус саноат паркида амалга оширилган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Қайд этиш лозимки, Когон тумани “Зирабод” массиви хуудидида танланган минг гектар майдонда амалга оширилган лойиҳа натижасида Бухоро вилоятига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, юқори технологияларга асосланган замонавий саноат қувватларини ишга тушириш, ички ва ташқи бозорлар учун рақобатбардор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратилишига эришилади. Татаристон ушбу объектни барпо этишда консалтинг ёрдамидан кўрсатмоқда.

Биринчи босқичда 300 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилди. Бу вилоят иқтисодиётига йилига 250 миллион доллар қўшилган қиймат, 2 мингта иш ўрни, 250 миллиард сўм солиқ тушуми ва 100 миллион доллар экспорт беради.

Айни пайтда умумий майдони 93 минг квадрат метр бўлган иккита йирик ишлаб чиқариш объектлари қурилиш ишлари олиб борилаётган. Объект 2025 йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топшириш, бунда полимер қувурлари ва ПЕТ толаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.



Рустам Минниханов Ботир Зарипов билан бирга хуудни инфратузилма билан таъминлаш бўйича бажарилаётган ишларни муҳокама қилди. Шу ерда қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Мулоқотда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар доирасида хуудлар ўртасидаги шерикликни мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар юқори баҳоланди.

Шунингдек, хуудлар ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, савдо-иқтисодий алоқалар фаоллашаётгани, ўзаро делегациялар ташкил этилаётгани алоҳида таъкидланди. Жорий йилда Ўзбекистон Президентининг Қозонга икки марта ташриф буюрганиги ўзаро ҳамкорликнинг юқори даражасидан далолат беради.

Музокаралар чоғида “Бухоро саноат ривожлантириш

мажмуаси” махсус саноат паркинни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Саноат паркиннинг бўлажак резидентлари учун малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

– Ушбу қўшма лойиҳалар мамлакатимиз ҳамкорлигини мустақамлашга қўшилаётган яхши ҳиссадир. Биз уларни давлатлараро ҳамкорлик манфаати йўлида энг юқори даражада амалга оширишимиз керак, – деди Рустам Минниханов.

Мехмонлар Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида бўлди ва Курьон тиловат қилинди. Рустам Минниханов мажмуада амалга оширилган ишларга ҳам юқори баҳо берди. Шунинг билан Татаристон Рانسининг Бухорога ташрифидан якунланди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбири.

III “БИЗНЕСДА ҲАЛОЛЛИК” ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимизда Бизнес-омбудсман томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамкорлигида “Бизнес амалиётида ва давлат томонидан бизнес фаолиятини текшириш жараёнларида коррупция хавфларини камайитириш” мавзусида навбатдаги халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди.

Бизнес ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тизимини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган тадбирда хорижий Бизнес-омбудсманлар, вазирлик ва идоралар, назорат органлари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг 100 дан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Маълумки, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва рағбатлантирувчи имтиёзлар ҳамда преференцияларни ўз ичига олган комплекс ёндашув мамлакатимизга барқарор иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини бермоқда.

Ҳалол бизнес юритиш тамойилларини илгари суришда бир қатор муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, 2024 йил бошида тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этилди. Бу рейтинг қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва қўшимча рағбатлантиришни назарда тутди.

Уч йилдирки, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хусусий секторнинг шаффоф ва очик фаолият юритиш таминлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун форум ўтказилмоқда.

2021 йилда ўтказилган биринчи форум Ўзбекистон бизнес халоллиги ҳартиясини қабул қилиниши билан аҳамиятга эришди. У молия, коррупцияга қарши курашиш ва давлат харидлари каби муҳим соҳаларда шаффофлик ва ҳалолликнинг юқори стандартларини белгилайди. Хартияга қўшилиб, тадбиркорлар ҳалол рақобат, коррупциянинг олдини олиш ва ижтимоий масъулият тамойилларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

Ҳужжат Бизнес-омбудсман, Коррупцияга қарши ку-

рашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқилган. Қисқа вақт ичида Хартияга 500 дан ортиқ тадбиркор қўшилди ва шу билан бизнес юритишда ҳалоллик ва очикликка тайёр эканликларини билдирди.

III “Бизнесда ҳалоллик” форуми Ўзбекистон ишбилармон доиралари учун яна бир муҳим воқеа бўлади. Форум доирасида коррупцияга қарши курашишнинг самарали усуллари муҳокама қилинди ва бизнесни ривожлантириш юзасидан илгор тажрибалар алмашилди.

Хусусан, Бизнес-омбудсман Дилмурод Қосимов сўзга чиқиб, барқарор иқтисодий ривожланиш йўлида бизнесни ҳалоллик тамойиллари асосида юритиш асосий ўрин эгаллаши, мамлакатимизда тадбиркорларни ҳалоллик тамойиллари ва қонунчилик базаси яратилганини қайд этди.

– Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, очиклик, ошқоралик ҳамда хусусий сектор ва фуқаролик жамияти билан мулоқотни таъминловчи сиёсий ва иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашимиз, – деди UNODC минтақавий вакили Оливер Столпе. – Ривожланиш жараёнида ишбилармонлик амалиётида ҳалоллик маданиятини юксалтириш муҳим саналади.

Шунингдек, тадбирда Хонгконг коррупцияга қарши курашда намуна сифатида кўпинча тилга олинishi ва Хонгконгнинг Коррупцияга қарши мустақил комиссияси хулосалари самарали ижро механизми ва ахлоқий меъёрлар шаффофлик ва жавобгарлик муҳитини яратиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилди.

Форум якунида тадбиркорлик субъектларининг Коррупцияга қарши курашиш Хартиясига қўшилишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА “ЯШИЛ” МАНБАЛАРГА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда “Мухим хомашё секторидаги хавф-хатарларни юмшатиш, Марказий Осиёда “яшил” манбаларга ўтиш ва ўсишни рағбатлантириш” мавзусида нуфузли тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ўринбосари Урал Юсупов, БМТнинг Афғонистон, Марказий Осиё, Эрон ва Покистондаги минтақавий вакили Оливер Штолпе, шунингдек, Қозғистон, Қирғиз Республикаси, Туркменистон вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг асосий мақсади Марказий Осиёда муҳим хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, минтақадаги экологийни муҳофаза қилиш ҳамда “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнларини жадаллаштириш йўллари муҳокама қилишдан иборат.

Таъкидландики, минтақада “яшил” иқтисодиёт тамойилларини татбиқ қилиш нафақат экологик барқарорликни таъминлайди, балки янги иш ўринлари яратиш ҳамда халқаро инвестицияларни жалб этиш учун мустақам асос яратади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

мида минтақавий ҳамкорлик, экологик хавф-хатарларни бар-тароф этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда хомашё ресурслари соҳасидаги ташаббуслар, Марказий Осиёдаги имкониятлар, экологик барқарорлик ва ижтимоий хавфларни камайитириш йўналишидаги амалий қадамлар ҳамда “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнидаги тажрибалар ўрганилди.

Тадбирда минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш, экологик стандартларга риоя қилиш ва “яшил” технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, экологик тоза технологияларнинг тараққиётига қаратилган ресурслар ва инвестицияларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

ФАҚАТГИНА БИРГА
КОРРУПЦИЯНИ
ТЎХТАТА ОЛАМИЗ!

Қишлоқ хўжалиги соҳаси
ходимларининг қонунчиликка
зид хатти-ҳаракатлари ёки
ҳаракатсизликларининг гувоҳи
бўлсангиз ёки ходимларнинг
коррупцияга ва бошқа ҳуқуқбузарлик
ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан
маълумотларга эга бўлсангиз,
вазирликнинг қуйида келтирилган
алоқа каналлари орқали ўз
муурожаатларингизни қолдиришингиз
тавсия этилади.

1. Ишонч телефони: 1243.
2. Телеграм бот: @uzagroanticorruptionbot
3. Расмий веб саҳифа: Agro.uz
4. Электрон почта манзили: info@agro.uz
5. Масьул ходимлар: 95-018-22-42, 94-369-29-58.

Йўлланган муурожаатлар ва хабарлар қонунчиликка асосан кўриб чиқилади.

С.ХАЛИЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши
курашиш бўлими бошлиғи.

Коррупция – глобал муаммо бўлиб, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий таъсирлари жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилади

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Юртимизда, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида кўплаб замонавий уй-жойлар уларга монанд инфратузилма объекти барпо этилмоқда. Бу жараёнда албатта, қурилатган бино ва иншоотларнинг сифатлилиги, қурилиш меъёрларига қатъий амал қилингани ҳар жиҳатдан муҳимдир.



ҚУРИЛИШДА НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Худудда қурилатган объектлар бўйича қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат ишларини олиб бораётган Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси томонидан ҳам кенг қўламли назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Жорий йилда ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 1590 та объектдаги қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу объектларда инспекция томонидан жами

26 минг 695 маротаба назорат ишлари олиб борилди. Объектларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича жами 9 минг 460 та муддатли ёзма кўрсатмалар берилди. Бу жараёнда 424 нафар мансабдор шахсга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий жарималар қўлланилди.

– Мухтарам Президентимизнинг жорий йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой



шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониغا асосан вилоятимиз ҳудудидида жами 182 та 8 минг хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда ушбу объектлардан 3678 хонадондан иборат уй-жойлар фойдаланишга топширилди, – дейди Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиги Шарофиддин Лолаев. – Аини пайтда қолган 93 та объектда қурилиш-монтаж

ишлари қизғин давом этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан вилоятимиз ҳудудидида жами 177 та объектда қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 132 таси фойдаланишга топширилган. Қолган 45 та объектда ҳам қурилиш-монтаж ишлари белгиланган режа асосида давом эттирилмоқда.

Ориф ЖУМАНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг ўрни қандай?

Коррупция – глобал муаммо бўлиб, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий таъсирлари жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ўзбекистонда ҳам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коррупцияга миллий миқёсда ҳал қилиниши мумкин бўлмаган, балки халқаро ҳамкорликни талаб қиладиган масала. Унга қарши курашиш, ўз навбатида, давлатлараро ҳамкорликни тақозо этади. Кўплаб халқаро ташкилотлар, давлатлар ва нодавлат ташкилотлар коррупциянинг олдини олиш, унинг таъсирини камайтириш ва давлатларнинг қонун устуворлигини таъминлаш бўйича бир қатор ташаббусларни илгари сурмоқдалар. Ушбу ташкилотлар асосан учта асосий йўналишда, яъни, коррупцияга қарши меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини назорат қилиш, ресурс ва билим алмашинуви, ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фаолият юритади.

БМТ глобал миқёсда коррупцияга қарши курашиш бўйича энг муҳим ташаббуслардан бири сифатида 2005 йили Коррупцияга қарши конвенциясини тақдим этди. Ушбу конвенция давлатларга коррупцияга қарши курашишнинг халқаро меъёрий тамойилларини белгилаб беради ва унинг ижтимоий таъсирини камайтиришга қаратилган махсус механизмлар ишлаб чиқади.

Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси иқтисодий ривожланиш ва молиявий барқарорликни таъминлашда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим қисминдир. Ушбу ташкилотлар, давлатларга ёрдам бериш, коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиши-

га оид сиёсатлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Жаҳон Банки, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш учун шаффофликни таъминлаш ва ижтимоий хатарларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этади.

Транспаренсй интернационал халқаро юридик ташкилоти ҳам коррупцияга қарши курашишда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. ТИ ўзининг ҳар йили чоп этадиган Коррупция Индекси орқали дунё миқёсда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолайди. Бу ташкилотнинг асосий мақсади – давлатлар, корпорациялар ва ташкилотларга коррупцияга қарши курашишда шаффофликни ошириш ва самарали чоралар кўриш учун қўлланмалар ишлаб чиқиш. Ташкилот коррупцияга қарши курашиш бўйича глобаллашган тизимларни ривожлантиришда қўлаб давлатларга маслаҳат ва қўлаб-қувватлаш кўрсатади, шунингдек, давлатларнинг коррупцияга қарши сиёсатларининг қанчалик муваффақиятли бўлишини мониторинг қилади.

Европа Иттифоқи ҳам ўз аъзо давлатлари ва бошқа мамлакатларга коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий ёрдам кўрсатиб келади. Европа коррупцияга қарши конвенцияси орқали, нафақат давлатлар орасидаги ҳамкорликни ривожлантиради, балки коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш учун зарур ҳуқуқий механизмлар яратди. Европа Иттифоқи



ўзининг юридик ва иқтисодий воситалари ёрдамида, жумладан, давлатлар ўртасидаги коррупция ишларини кўриб чиқиш, суд тизимларининг мустақамлигини ошириш ва шаффофликни таъминлашда иштирок этади. Шу билан бирга ўз аъзоларига коррупцияга қарши турли дастурлар орқали ёрдам бериб, муваффақиятли намуналарни улашади.

Оқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, халқаро ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишда ўрни бекиёс. Улар ўзгарувчан глобал муҳитда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, меъёрий ва юридик тизимларни яхшилаш, шаффофликни таъминлаш ва янги технологияларни қўллаш орқали коррупцияга қарши курашишнинг янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда. Глобал миқёсда коррупцияга қарши курашишдаги муваффақиятлар, албатта, ҳар бир давлатнинг сиёсий иродаси ва халқаро ҳамкорликка тайёргилиги билан бевосита боғлиқдир. Юртимизда ҳам коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва ёрдамидан юқори даражада фойдаланиш ва иллатнинг бартараф бўлишига самарали таъсир кўрсатади.

Наима ЗАЙНОВИДИНОВА, Наманган давлат педагогика институтини катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Юртимизда аҳоли сони ортиб бораётгани сингари мактабларда ҳам ўқувчилар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шунинг учун кейинги йилларда 30 дан ортиқ боланинг бир синфда ўқиши оддий ҳол бўлиб қолди. Бунча ўқувчининг олти соат дарс жараёнида тартиб интизомини назорат қилиш эса жуда мураккаб иш. Яхшиям мактабларимизда синф раҳбарларига тўланадиган иш ҳақлари оширилди. Тарбия жараёнига фақатгина ўқитувчилар эмас, балки ота-оналар, маҳалла фаолларининг масъулиятли эканлиги қонун билан белгилаб қўйилди.



Юқори синф ўқувчиси дарсга кечикиб келишни одат қилиб олди, бунинг устига у ҳоҳлаган пайтида дасрни ташлаб кўчага чиқиб кетиши одатланди. Ўзини ҳаддан ташқари эркин сезадиган бу ўқувчи дарс давомида ҳам синфдошларига гап отиб, уларнинг билим олишларига ҳалақит қиларди. Бу ўқувчини дарсига ҳалақит берганлиги учун ўқитувчи мактаб раҳбарининг ҳузурига олиб кирди. Раҳбар ўқитувчида дарсига бориш учун ружат бериб ўқувчининг онаси билан суҳбатлашмоқчи бўлди.

Ўқувчи тарбиясида МАҲАЛЛАНИНГ ўрни

тарбияси масаласида мактабга бир келиб кетсангиз.

– Менинг ўғлимнинг тарбияси яхши, баланд овозда онанинг жавоби эшитилди. – Ўқитувчиларнинг ўзларини тарбиясини ўйлаб кўринг. Умуман мактабнинг гизда интизом бўшашиб кетган. – Ўқитувчиларимизнинг интизомини назорат қилувчи маъсул кишилар бор, дея тушунтир-

моқчи бўлди раҳбар. – Сиз аввал мактабга келиб ўғлингизга дарс бераётган ўқитувчилар билан суҳбатлашинг, дарсига кириб, унинг қандай ўқиётганини кўринг, тартибсизлик қилган ҳолатларини камерадаги ёзувдан кўриб чиқинг!

– Мен мактабга бориб вақтимни беҳудуга сарфламайман, бу ёқда савдом қолиб кетади, яна бир парда овозини кўтарди она.

– Ундай бўлса биздан хафа бўлмайсиз, майинлик билан тушунтириб раҳбар. – Биз сизнинг ўғлингиз тарбиясига нисбатан эътиборсиз бўлаётганлигингиз, мактабга келиб унинг ўқишлари билан шуғулланишга вақт топа олмаётганлигингиз ҳақида яшанган маҳаллангизга мурожаат қилишга мажбур бўлаемиз. Чунки юртимизда қабул қилинган

қонунларда бола тарбияси учун ота-онанинг масъулияти қатъий белгилаб қўйилган. Раҳбарнинг бу сўзларидан сўнг она бирдан ҳовуридан тушди ва алингансимон оҳангда гапира бошлади: вай опа-жон нима деяпсиз, шу гапларни ҳам маҳаллага чиқариб юрасизми, ҳозир мактабга етиб бораман. Ўзим ўғлимнинг таъзини бериб қўяман, ўзим тартибга соламан.

Яқинда телевидениеда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли ўқитувчи Муҳаббат Шаропова ота-оналарнинг ўқитувчиларга муносабати тўғрисида гапириб, халқимизда азалдан айтиб келинадиган бир гапни эслатди. Илгари ўз фарзандини мактабга олиб борган ота-она ўқитувчига болани топширар экан “Энди бунинг эти сизники, суяги бизники”, деган гапларни эслатди. Албатта, ҳозирги замонда мактабларда боланинг этини ҳеч ким оздирмайди, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Бас, шундай экан маҳалалар, жамоатчилик ҳар бир боланинг тарбиясига масъулият билан қарашлари лозим бўлади. Ҳамма ҳам ҳозирча “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ҳикматли иборанинг мазмунини тўлиқ тушуниб етгани йўқ.

М.ИСАЕВА, М.ЧОРИЕВА, Ҳузур туманидаги У.Уватов номли 1-мактаб ўқитувчилари.

Ҳар қарич ер – ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИДИР

ТУПРОҚ ТАШҚИ МУҲИТНИНГ АСОСИЙ БИР ҚИСМИДИР. БУТУН ТИРИКЧИЛИК, ЖОНИВОРЛАРНИНГ ТИРИКЧИЛИГИ, ОДАМЗОТНИНГ ҲАЁТИ ТУПРОҚ БИЛАН БЎГЛАНГАН. ОДАМ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ ТУПРОҚНИНГ САНИТАРИЯ ҲОЛАТИГА БОГЛИҚДИР.



Тупроқдаги салбий ўзгаришлар фақатгина табиий кўринишига бўлиб қолмай, балки бу ўзгаришларга инсонларнинг катта таъсири бордир. Ҳозирги вақтда бутун Сайёрада 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Олинган маълумотларга кўра дунёда ҳар йили 7-8 миллион гектар унумдор тупроқлар деградацияга учрамоқда. Дунё бўйича сўғориладиган ерларнинг деярли 25 фоизи турли даражада шўрланган. Яна бир экологик муаммо – саҳроланишининг кучайишидир. Ҳозир қитъаларнинг 36-40 фоизи чўлга айланган, ҳар йили 25 миллион гектар ер саҳроларга айланмоқда.

Инсоннинг тупроққа фаол таъсир кўрсатиши натижасида, унинг хосса-хусусиятларининг ўзгариши, унумдорлигининг ошиши ёки пасайиши, шўрланиши, эрозияланиши, дегумификацияси сўғорилмайдиган лалми ерлардан деҳқончиликда оқилона фойдаланишни, уни муҳофаза қилишда аввалгидан ҳам эътиборли бўлишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг муҳим хусусиятларини қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга боғлиқ. Демак, энг аввало, бу тупроққа тегишли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати, иқтисодий баҳоси, муҳофазасини библиш, ҳар хил ўсимликларни тупроқ ҳолатига кўра илмий асосланган ҳолда кетма-кет экиш, тупроққа экологик тоза ишлов бериш усуллари, ўғитлашни юқори савияда олиб бориш талаб қилинади. Шу боис кафедрамиз олимлари томонидан бир қанча йўналишларда, масалан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун иқлим ўзгариши шароитида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг экологик, илмий-инновацион, иқти-

содий ва ҳуқуқий асослари, чўлланишга қарши кураш ва “ернинг деградацияси нейтраллигига” эришиш йўллари, бошқариш, баҳолаш ва мониторинг усуллари, аниқ деҳқончиликда рақамли тупроқшунослик ва агрокимё: ҳолат ва истиқболлар, яйловларнинг таназзулга учраган тупроқлари, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича иш самарадорлигини ошириш технологиялари, Оролбўйида тупроқ деградациясига қарши курашнинг назарий асослари ва инновацион технологиялари, агро-эко-биотехнологиялар, био ва нанопрепаратлар, деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш ва оширишда адаптерлар, органик қишлоқ хўжалиги: тамойиллар, тажриба ва истиқболлар, углерод деҳқончилиги, углеродди чиқиндилар ва углерод фермаларида тажриба, замонавий экинларни етиштириш технологияларида ўғитлар тизими, шўрланган ерларнинг тупроқ унумдорлигини бошқариш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашда инновацион ечимлар, тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ер ва тупроқни бошқариш бўйича илғор тажрибалар каби илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тупроқлардан илм-фан тавсиялари асосида оқилона фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш, унумдорлигини оширишда янги технологияларни жорий қилиш шак-шубҳасиз қишлоқ хўжалиги ривожланишининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Тупроқ таркибини ҳар томонлама яхшилаш, ҳосилдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш тупроқшунослик ривожининг муҳим жиҳатларидандир.

Дилафрўз МАҲКАМОВА, ЎзМУ Биология факультети Тупроқшунослик кафедраси доценти, б.ф.д.

Эълонлар

Великанова Алла Александровна номига 1993 йил 10 мартда 01-02/8997 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Ильясова Асия Тиммерхановна номига 2000 йил 24 августда 04-01/21207 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2024 йил 12 январь куни 2667473-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «POLYMER CHEMICAL» (СТИП: 308207977) масъулияти чекланган жамияти устав фонди 8 699 665 968,2 сўмдан 7 739 665 968,2 сўмга камайтирилишини маълум қиламиз. Мурожаат учун тел: +99899) 051-12-57

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда йўл ҳаракати хусусида талайгина маълумотлар бор. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаган киши аввало ўзининг жону молини хатарга қўйган бўлади. Бу эса ислом динида қатъий ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтади: "Ўзингизни ҳалоқатга ташламанг" (Бақара,195). Шу билан бирга, йўл қоидаларини бузган киши бошқаларнинг ҳаётига, мол дунёсига тажовуз қилишга қадам қўйган ҳисобланади.



ЎЗИНГИЗНИ ҲАЛОҚАТГА ТАШЛАМАНГ, ЙЎЛ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш миллатнинг кўрки, жамият аъзоларининг дунёқарши ва маданиятининг кўзгусидир. Динимиз йўл ҳаракати одобларини биринчи бўлиб батафсил баён қилиб берганлигида шубҳа йўқ. Хусусан, "Ўнг қўл ҳаракати", "Пиёдаларга йўл бериш", "Масофа сақлаш" каби айрим йўл ҳаракати қоидалари айнан суннат амалларига тўла мос келишини мушоҳада қилиш мумкин.



Зотан, фикрий қоидалардан бирида: "Оммадан зарарни бартараф этиш яқка шахсга етадиган зарарни кетказишдан устун бўлиши", дейилган. Йўлдан фойдаланиш мумкин бўлиши учун киши унинг ҳақларига, жумладан, ҳаракат қоидаларига, шаръий кўрсатмаларга риоя қилиши шарт. Агар уларга тўла амал қилинса, у нафақат мумкин амал, балки улғ савобларга сабаб бўладиган ибодат даражасига кўтарилади. Бордию, уларга риоя қилинмайдиган бўлса, бузилган меъёрнинг қўламага кўра, йўл юриш мақруҳ ёки ҳаром амаллардан бири ҳисобланади. Исломификҳида: "Зарарни бартараф этиш фойдани жабб қилишдан олдин кўйилади" ва "Жамиятнинг манфаати яқка шахсларнинг манфаатидан устувор туради". Исломда инсон зиммасида ҳар бир нарсанинг ҳаққи борлиги уқтирилади ва ҳар бир ҳақ эгасига ҳақини бериш буржорилади. Мусулмон киши

зиммасида йўлнинг ҳам ҳаққи борлиги ҳадисларда келган. Бу ҳақларни ҳар бир йўл ҳаракати қатнашчиси, у хоҳ пиёда бўлсин, хоҳ ҳайдовчи бўлсин, хоҳ йўловчи бўлсин, адо этиши лозим. Шунингдек, йўлда турган, ўтирган ва фойдаланувчилар ҳам ушбу ҳақларга риоя қилишлари шарт. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мусулмон – мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саламат бўлган кишидир", дедилар". Имом Табароний Ҳузайфа ибн Усайддан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ким мусулмонларга йўлларидан озор берса, унга уларнинг лаънати вожиб бўлур", деганлар. Бировга озор берадиган ишни қилиш ўзи ножоиз иш. Аммо кишиларга йўлларда озор етказиш янада оғир гуноҳдир, лаънатга лойиқ амалдир. Чунки, йўл барчага тегишлидир. Йўл омманинг мулки бўлганидан кейин,

жамиятдаги ҳар бир инсон унга ўзини бевосита дахлдор деб билиши лозим. Ҳар бир шахс кўчанинг бир бўлагини ўз уйи, деб қараб, унга ана шу асосда муносабатда бўлиши даркор. Жамият худди бир кемада кетаётган йўловчиларга ўхшайди. Таъқиқланган ишга қўл урган одам кемани тешишга журъат қилган шахсдир. Агар унинг қўлидан вақтида тугилмаса, бутун кемадагилар ҳалок бўлиши аниқ. Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сизлардан ким бир таъқиқланган ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, агар қодир бўлмаса, тили билан, агар қодир бўлмаса, қалби билан. Бу иймоннинг энг заифидир. Ундан кейин ачитқининг уруғича ҳам иймон қолмайди", дедилар". Демак, мусулмон киши жамиятда кечаётган ҳолатларга бефарқ бўлмаслиги керак. Кимларнингдир жамиятни чўктиришига томошабин бўлиб туришга ҳаққи йўқ. Агар бирор яқши ишга эътиборсизлик бўлаётганини билса, кишиларни унга чорлаши лозим. Агар бирор ёмонлик содир этилаётганини кўрса, қўлдан келганича уни тўхташга ҳаракат қилиши, иложи бўлса кучи билан, бўлмаса, сўзи билан уни бартараф этиш пайида бўлиши даркор. Ҳеч бўлмаса, қалбидан ўша ишга норози бўлиб туриши мўминлик бурчи ҳисобланади. Тўхташнинг имкони бўла туриб, "менга нима, гуноҳи ўзинга-да", деб бепарво кетиш ёки унга қалбдан рози бўлиб туриш иймоннинг зиддаги сифатлардан саналишини инутмаслик керак.

Қамолдин ҲАМРАҚУЛОВ, Норин тумани бош имом хатиби.



Бугунги кунда мўмин-мусулмонлар ўртасида фитнага сабаб бўлаётган, жаҳолат туфайли фитнага замин яратадиган "тақфир" тушунчасининг мазмун-моҳиятини шарҳлаб ўтасак. "Тақфир" тушунчаси "бировни кофирга чиқариш", "кофир деб ҳисоблаш" маъноларини англатади. Шариятимизда мусулмон кишини аниқ ҳужжат бўлмасдан туриб, "кофир" деб ҳукм қилиш ўта хатарли бўлиб, асло мумкин эмас. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган: "Сизга салом берган кимсага, мўмин эмассан, деманглар". Демак, Аллоҳ таоло бу ояти каримада шошма-шошарлик билан бировнинг мўмин эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариб, иш кўришдан қайтармоқда.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам "Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ" деб турган шахсни кофирга чиқариш хатарини бир қанча ҳадисларида баён қилганлар. Жумладан, "Уч нарса имоннинг аслидандир. "Ла илаҳа иллаллоҳ" деган кимсага теғмаслик, уни гуноҳи туфайли "кофир" демаймиз, амали туфайли Ислондан чиқармаймиз", деганлар. Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон киши бошқа биродарини гуноҳи туфайли кофирга чиқармаслиги, қилган амали сабабли унга "мўмин эмас", деган сўзни айтмаслиги уқтирилмоқда. Яна бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: "Ким мўмин кишини кофирга чиқарса, уни ўлдиргандек (гуноҳкор) бўлади" (Имом Бухорий ривоятлари). Ушбу ҳадисга шарҳ ёзган уламоларимиз: "Мусулмонни ўлдирган қотил қанча гуноҳ олса, мусулмонни "кофир" деб ҳукм қилган кимса ҳам худди шундай гуноҳкор бўлади", деганлар. Ваҳоланки, мусулмонни ўлдирши қандай гуноҳ эканлиги ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган: "Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишидир. Яна унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати ёғилур ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлаб қўйгандир (Нисо сураси 93-оят). Кофирга чиқаришнинг хатарини



ҳақидаги мушхур ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: "Агар киши ўз биродарига: "Эй кофир" деса, иккисидан бири кофир бўлади. Агар биродари ҳақиқатан ҳам кофир бўлса, тўғри айтган бўлади, акс ҳолда бу гапи кофир дегувчини ўзига қайтади" (Имом Муслим ривоятлари). Бу маънодаги ҳадисларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг барчасида инсон бошқа мусулмонларни кофирга чиқаришга шошмаслиги, айбланган шахс у айтганидек бўлмаса, ўзи ўша сифатга дохил бўлиб қолиши таъкидланган. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимларини олган саҳобан киромлар ва улардан кейинги уламоларимиз ҳам мусулмонни

"кофир" дейишдан қаттиқ ўзларини эҳтиёт қилганлар. Чунки улар бу ишда қатта гуноҳ борлиги ва бу гап ўзига қайтиб қолишдан хабардор эдилар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Мутааллиунларга вайл бўлсин дедилар. Саҳобалар ё Расулуллоҳ Мутааллиунлар ким деб сўрадилар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам сен жаннатий, сен дўзахий дейдиган одам деб жавоб бердилар. Гуноҳ қилаётган инсонга чиройли ҳолда, тўғри тушунча бериш мўминлик вазифамиз ҳисобланади.

Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ, Норин туманидаги "Умархўжа зиёни" жомеъ масжиди имом хатиби.

Реклама

Advertisement for MAXAM-CHIRCHIQ fertilizer. It features a tractor in a field, a tree with nutrient labels (N-34,4%, MgO Magniy, Ca Kaltsiy), and two bags of fertilizer. Text includes 'SHOSHILING!!!', 'Kaltsiy va magniy mikroelementli AMMIAKLI SELITRA', and 'Birja savdolarida.' Contact information for Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Жорий йилнинг 15 ноябр – 15 декабр кунлари республикамиз бўйича "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилиб, бу бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳри ҳудудига фаолият юритаётган ижтимоий соҳа объектлари, маҳаллалар, соғлиқни сақлаш ва янги қурилаётган қурилиш объектларида ҳам ёнгин хавфсизлиги ойлиги доирасида профилактик тарғибот-ташвиқот учрашувлар ташкил этилди.



ҚУРУВЧИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БИЛИШИ ШАРТ

"Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш даврида айниқса, янги қурилаётган бино ва ишоотларнинг қурилиш майдонлари, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чоралари тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкиллаштирилиши қатъий назоратга олинди. Хусусан, қурилишдаги электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорликни ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жойларнинг ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши, иш тугаши билан электр тармоқлар, электр асбоб-ускуна ва қурилишдаги бошқа электр истеъмолчилар, шу жумладан, машиий хоналар тоқдан узиб қўйилиши, электр энергиясини ўчириш марказлашган бўлиши лозим-

лиги соҳа вакиллари мунтазам ўқитирилмоқда. Албатта, қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, аксар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Яратувчанлик йўлида ўзларининг беёмнат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараё-

нида хавфсизлик ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизликларини, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар. Санжар САИДМУРДОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ШСДП бош инспектори, капитан.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирилр ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ Тахрир ҳайъати: Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Махдум Тойир, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳафта 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғоч бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1217. 1020 нусхада chop этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақидиланди. Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоши келишилган нархда. Газета "Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясини босмоҳонасида босилди. Босмоҳона манзили: "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2020-7023 Босишга топширилган вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.15